



2017 yil "08" сентябрь № 459

Farg'ona shahri

Вилоятда 2018 йил ҳосили учун боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида август пиёзи ва саримсоқпиёз ҳамда тўқсонбости усулида сабзаёт экинларини жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги "2018 йил ҳосили учун август пиёзи ва саримсоқпиёз ҳамда тўқсонбости усулида сабзаёт экинларини жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3230-сонли қарорига асосан вилоятда барча тоифадаги хўжаликларда жами 25745 гектар майдонга озиқ-овқат экинлари экилиши белгилаб берилган.

Шундан, 7374 гектар очик майдонлар, 16400 гектар боғлар ораси ва 1971 гектар ток қатор орасига тўқсонбости экинлар жойлаштирилган.

Шунингдек, вилоятдаги боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида парвариш қилинаётган 37 минг гектар боғ ва 1,5 минг гектар ток қатор ораларига тўқсонбости экинлар экилиши алоҳида белгилаб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорида белгилаб берилган майдонларга тўлиқ сабзаёт экинларини экиш, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ер майдонларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 сентябрдаги 03/1-2067-сонли топшириқномаси ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 сентябрдаги 03/1-2067-сонли топшириқномаси раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарор билан фермер хўжаликлари томонидан сентябр ойида пиёз ва саримсоқпиёз ҳамда ноябр-декабр ойларида тўқсонбости усулда сабзаёт экинларини экиш режаси **1-иловага**;

фермер хўжаликлари томонидан очик майдонларга сентябр ойида пиёз ва саримсоқпиёз ҳамда ноябр-декабр ойларида тўқсонбости усулда сабзаёт экинларини экиш режаси **2-иловага**;

боғдорчилик фермер хўжаликлари томонидан боғ қатор ораларига сентябр ойида пиёз ва саримсоқпиёз ҳамда ноябр-декабр ойларида тўқсонбости усулда сабзавот экинларини экиш режаси **3-иловага**;

узумчилик фермер хўжаликларида томонидан ток қатор ораларига сентябр ойида пиёз ва саримсоқпиёз ҳамда ноябр-декабр ойларида тўқсонбости усулда сабзавот экинларини экиш режаси **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси (Маҳмудов), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Ибрагимов), Фермерлар кенгаши (Мирзаахмедов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда **2 кун муддатда** сабзавот экинларини экиш бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларидан келиб чиқиб фермер хўжаликлари кесимида режалар ишлаб чиқсин.

Бунда асосий эътиборни боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида боғ ва ток қатор ораларига экинларни жойлаштиришга қаратсинлар.

4. Қувасой, Фарғона шаҳарлари ва барча туманлар ҳокимликларига:

бир ҳафта муддатда боғ ва тоқзорларга эга бўлган фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирокида семинарлар ташкил этиш, тўқсонбости экинлар биринчи навбатда фермерларнинг қўшимча даромади эканлигини тушунтириш ва уларни қўлига экиш муддатлари, экин турлари бўйича аниқ режаларни етказиш;

экин экиш ишларини ташкил қилмаган фермер хўжаликларига нисбатан ер ижара шартномасини бекор қилишгача қатъий чоралар кўриш;

барча фермер хўжаликларига экин ер майдонларидан самарали фойдаланиш ҳамда экинлар тўлиқ экилишини таъминлаш бўйича расман "Огоҳлантириш хати"ни етказиш вазифаси юклатилсин.

5. "Агросервис МТП" МЧЖ (Носиров), "Фарғонанефтбаза" УК (Отахонов), "Агрокимёхимоя" ХАЖ (Файзиматов) шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда боғдорчилик ва узумчилик фермер хўжаликларига экинларни экиш учун ер тайёрлаш, экиш ва парваришlash учун талаб этиладиган техника, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминласинлар.

6. Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси (Маҳмудов), Адлия бошқармаси (Назаралиев) шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ҳафта муддатда сабзавот экинлари экадиган фермер хўжаликлари ҳамда буюртмачи корхоналари ўртасида маҳсулотларни сотиб олиш юзасидан шартномалар тузиш ишларини якунлаб, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласинлар.

7. Марказий банк бошқармаси (Қундузов), тижорат банклари ва шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда тўқсонбости усулида сабзавот экинларни экиш ва унинг агротехикасини амалга ошириш учун талаб этиладиган кредитларни маҳсулот етиштирувчи ва харид қилувчи ташкилотларга бир ой муддатда ажратилишини ташкил этсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Носиров зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Ш.Ғаниев.

Вилоят ҳоқимининг
 2017 йил "08" сентябрдаги
 459 -сонли қарорига
 1-илова

Фермер хўжаликлари томонидан сентябр ойида пиёз ва саримсоқпиёз ҳамда ноябр-декабр ойларида тўқсонбости
 усулда сабзавот экинларини экиш режаси

№	Шаҳар ва туманлар номи	Жами экиладиган майдон, га	сентябр ойи				ноябр-декабр ойи							
			жами	шундан		жами	шундан							
				пиёз	саримсоқ-пиёз		пиёз	саримсоқ-пиёз	сабзи	ош лавлаги	кўкатлар	карам (гул карам, брокколи)	кўк пиёз	
1	Фарғона ш.	260	55	50	5	205	70	57	20	5	51			2
2	Қувасой ш.	2940	945	845	100	1995	845	269	142	17	537	10		175
3	Бағдод	1232	368	318	50	864	359	192	52	15	206	10		30
4	Бешарик	2267	860	810	50	1407	835	166	116	15	195	10		70
5	Бувайда	644	180	150	30	464	205	121	51	13	55	11		8
6	Данғара	702	251	201	50	451	201	110	34	10	71			25
7	Ёзёвон	375	110	110		265	137	31	26	5	47	5		14
8	Олтиарик	2155	720	620	100	1435	630	177	150	30	290	23		135
9	Қўштепа	927	280	250	30	647	287	116	62	10	118	8		46
10	Риштон	2209	450	400	50	1759	403	130	64	17	1030	30		85
11	Сўх	90	30	30		60	30	15			15			
12	Тошлоқ	851	267	217	50	584	217	136	78	10	67			76
13	Учкўприк	1724	593	543	50	1131	543	181	132	17	158	10		90
14	Фарғона т	3599	1145	1045	100	2454	1065	305	171	50	622	45		196
15	Фуркат	384	145	135	10	239	150	58	15	5	1			10
16	Ўзбекистон	2404	840	790	50	1564	837	174	100	12	225	13		203
17	Қува	2981	961	886	75	2020	886	307	87	44	461	25		210
	Жами	25745	8200	7400	800	17545	7700	2545	1300	275	4150	200		1375

Вилоят ҳокимининг

2017 йил "08" сентябрдаги

459 -сонли қарорига

2-илова

Фермер хўжаликлари томонидан очик майдонларга сентябр ойида пиёз ва саримсоқпиёз ҳамда ноябр-декабр ойларида тўқсонбости усулда сабзавот экинларини экиш режаси

№	Шаҳар ва туманлар номи	Жами очик майдонга экиш режаси, га	шу жумладан											
			сентябр ойи			ноябр-декабр ойи								
			жами	шундан		жами	пиёз	саримсоқ-пиёз	саримсоқ-пиёз	сабзи	ош лавлаги	кўкатлар	карам (гул карам, брокколи)	кўк пиёз
				пиёз	саримсоқ-пиёз									
1	Фарғона ш.	80	25	25	17	16	5	17						
2	Қувасой ш.	916	453	416	37	200	27	146	5					
3	Бағдод	482	191	167	24	184	11	29						
4	Бешарик	667	349	323	26	154	24	75	7					
5	Бувайда	113	53	41	12	21	5	13						
6	Данғара	349	164	135	29	78	19	25					10	
7	Ёзёвон	112	59	59		26	9	8						
8	Олтиарик	891	434	371	63	241	82	49						
9	Қўштепа	249	139	126	13	43	18	17						
10	Риштон	586	228	203	25	35	13	287						
11	Сўх	29	17	17		7		5						
12	Тошлоқ	241	130	101	29	49	10	19						
13	Учкўприк	677	339	297	42	147	69	34	7					
14	Фарғона т	852	409	364	45	187	52	116	11					
15	Фурқат	243	113	113		94	36							
16	Ўзбекистон	579	274	247	27	169	24	48						
17	Қува	804	358	325	33	188	27	112	15					
	Жами	7870	3735	3330	405	1840	395	1000	45	845	395	1000	10	

Вилоят ҳоқимининг
 2017 йил "08" сентябрдаги
 459 -сонли қарорига
 3-илова

Боғдорчилик фермер хўжаликлари томонидан боғ қатор ораларига сентябр ойида пиёз ва саримсоқпиёз ҳамда ноябр-декабр ойларида тўқсонбости усулда сабзавот экинларини экиш режаси

№	Шаҳар ва туманлар номи	Жами боғ майдони, га	ш.ж, ҳосилли майдон	Жами боғ қатор орасига экиладиган майдон, га	сентябр ойи						ноябр-декабр ойи					
					жами	шундан		жами	шундан							
						пиёз	саримсоқ-пиёз		пиёз	саримсоқ-пиёз	сабзи	ош лавлаги	кўкат-лар	карам (гул карам, брокколи)	кўк пиёз	
1	Фарғона ш.	486	432	172	25	20	5	147	53	38	15	5	34		2	
2	Қувасой ш.	5452	5216	1936	477	419	58	1459	615	164	112	12	381	5	170	
3	Бағдод	2736	2547	602	142	126	16	460	141	113	28	11	134	10	23	
4	Бешариқ	2574	2369	1580	501	479	22	1079	676	103	92	8	120	10	70	
5	Бувайда	376	341	224	37	29	8	187	84	32	27	7	21	11	5	
6	Данғара	433	421	318	76	59	17	242	108	48	15	10	46		15	
7	Ёзёвон	511	489	251	48	48		203	104	21	17	5	37	5	14	
8	Олтиариқ	1428	1374	1149	240	217	23	909	361	76	61	30	223	23	135	
9	Қўштепа	878	833	602	112	104	8	490	226	72	27	10	101	8	46	
10	Риштон	3314	3250	1586	208	187	21	1378	362	103	51	17	730	30	85	
11	Сўх	920	719	61	13	13		48	23	15			10			
12	Тошлоқ	1035	965	583	128	110	18	455	161	98	68	10	42		76	
13	Учкўприк	1248	1214	1021	245	241	4	776	386	95	61	10	124	10	90	
14	Фарғона т	5980	5611	2310	674	639	35	1636	744	145	82	39	385	45	196	
15	Фурқат	183	179	131	25	17	8	106	53	22	15	5	1		10	
16	Ўзбекистон	5220	5174	1794	552	535	17	1242	661	106	76	12	171	13	203	
17	Қува	4283	4176	2154	597	557	40	1557	692	199	58	29	344	25	210	
	Жами	37057	35310	16475	4100	3800	300	12375	5450	1450	805	220	2905	195	1350	

Вилоят ҳоқимининг
 2017 йил " 08 " сентябрдаги
 459 -сонли қарорига
 4-илова

Узумчилик фермер хўжалиқларида томонидан тоқ қатор ораларига сентябр ойида пиёз ва саримсоқпиёз ҳамда ноябр-декабр ойларида тўқсонбости усулда сабзавот экинларини экиш режаси

№	Шаҳар ва туманлар номи	Жами тоқзор майдони, га	ш.ж, ҳосилли майдон	Жами тоқ қатор орасига экиладиган майдон, га	сентябр ойи						ноябр-декабр ойи									
					жами	шундан		жами	шундан											
						пиёз	саримсоқ-пиёз		пиёз	саримсоқ-пиёз	сабзи	ош лавлаги	кўкат-лар	карам (гул карам, брокколи)	кўк пиёз					
1	Фарғона ш.	11	11	8	5	5	3													
2	Қувасой ш.	97	88	88	15	10	5	73	30	30	3					10		5		5
3	Бағдод	182	165	148	35	25	10	113	34	34	13				4	43				7
4	Бешариқ	31	23	20	10	8	2	10	5	5										
5	Бувайда	311	241	307	90	80	10	217	100	100	19			6	21					3
6	Данғара	39	26	35	11	7	4	24	15	15										
7	Ёзёвон	19	10	12	3	3		9	7	7					2					
8	Олтиариқ	116	94	115	46	32	14	69	28	28	7				18					
9	Қўштепа	79	72	76	29	20	9	47	18	18	17									
10	Риштон	46	36	37	14	10	4	23	6	6					13					
11	Сўх																			
12	Тошлоқ	30	22	27	9	6	3	18	7	7					6					
13	Учқўприк	28	20	26	9	5	4	17	10	10	2									
14	Фарғона т	451	321	437	62	42	20	375	134	134	37				121					
15	Фурқат	11	8	10	7	5	2	3	3	3										
16	Ўзбекистон	37	25	31	14	8	6	17	7	7					6					
17	Қува	23	18	23	6	4	2	17	6	6	2				5					
	Жами	1511	1180	1400	365	270	95	1035	410	410	100	10	245	5	250	100	10	245	5	15

